Ушбу ёндашиштдан маълум бўладики, қадриятлар инсон ва субъектларнинг социомадданий фаолиятининг маълум бир натижаси сифатида шаклланган бўлса-да, шахсниар уларни тайёр холда тонағидиар, айнан шу нуқтаи назардан қадриятларнинг мавжудигити ёки амал килиши айрим олган шахслар, тарихий ҳодисаларга боғлиқ эмас, балки упардан бокийроқдир. Таъриф муаллифи (В.Л.Абушенко) қадриятларнинг вакт ва мақонда намоён бўлиши айрим олган бойликлардан кенглигини тўгри таъкидласа-да, улардаги миллый хусусиятларниң етакчи ўрин тутишини эсламайди. Натижада қадрияттар миллай, ҳатто умуминсоний белгиларсиз қандайдир соғ социомадданий ҳодиса сифатида талқин этилади.

Қадриятларга ахтокий-этник ҳодисалар сифатида ёндашиштани уёки бу даражада барча адабиётларда мавжуд. Бироқ айрим мушалифлар қадриятлардаги ушбу белгиларни мутлақлаштиришга мойниларлар. Масалан, А.И.Кравчешко қадриятларга куйндагича таъриф беради: "Қадриятлар, - деб ёзди у, - кўпчилик кишилар томонидан ижтимоий кўллаб-кувватинадиган эзгулик, адолат, натаппарварлик, романтик севги, дўстлик каби ҳодисалар ҳакидаги тасаввурлардир... Қадриятлар шубҳа остига олинмайди, улар барча кишилар утун эталон, идеали бўлиб хизмат қиласди"¹.

Ўзбекистонлик олимлар ҳам қадриятларни ижтимоий-тарихий ва маданий категория сифатида қарзб, уларга "инсон ва

¹ Кравчешко А.И. Социология. – М.: «Логос» Електронбуюг, Декабр кунга, 1994. – С 158.

инсоният учун ахамиятли бўлган барча нарсалардир¹, - деб таъриф берадилар. Бироқ бу таъриф ҳам саволлар уйғотади. Инсон ва инсоният учун ахамиятли, керакли бўлмаган нарса борми ўзи? Ҳатто заҳарли изон ҳам одам учун ахамиятли эканини исботлаб ўтириш керакми? Демак, оламда мавжуд жамики нарса, мавжудот инсон ва инсоният учун ахамиятли, кераклидири. Демак, бу ўринда қадрият тушунчаси ҳацдаш ташкари кенг ташқин этилган. Бундан ташкари, лугатда иккى жумла ўтгач, қадриятлар “моддий ва маънавий бойликлар оламининг гултожи, сараси”² деб таърифланади. Ундаи бўлса, барча моддий ва маънавий бойликлар эмас, балки уларнинг “сараси, гултожи” қадриятларга киради, деган холосага келамиз. Ўз-ўзидан маъдум бўладики, инсон ва инсоният учун ахамиятли барча нарсалар эмас, балки моддий ва маънавий бойликларнинг гултожи, сараси – қадриятлардир. Ушбу фикрларда ички зиддиятлар борлигини кўрмаслик мумкин эмас.

Р.Нурмухамедов ва И.Юпусовлар инсоннинг қадр-киммати ва “қадрият” тушунчасини айнанлаштиришга ҳаракат қилишган “Кадр-киммат – ахлоқ тушунчаси бўлиб, одамни маънавий томондан тўлиқ баҳолашга ишлатилади. Шу билан бирга одамниш ўз-ўзига ва жамият уига шахс сифатида берадиган қадриятни ҳам кўрсатади”³. Муаллифлар ушбу таърифши кенгроқ очиб бермайдилар. Улар қадр-кимматни шунчаки изоҳлани билан чекланадилар. Аслида ўзбек тилида чоп этилаётган деярли барча адабиётларда қадр-киммат, қадрият, шахс қадри, инсон қиммати каби атамалар, хаёни тарзда, ёнма-ён ишлатилади, гоҳо улар синоним категориялар сифатида келали. Бизаниш фикримизча, ушбу ёндашув мөхиятан тўғри бўлса-да, ҳодисалар ва воқсалар ифодасига этимология ҳамда герменсистика нуктаи назаридан караганда юкоридалари тунгунчталар ўргасида маълум бир фарқлар борлигини кўрсатади. Қадриятлар ушбу категориялардан кенг бўлтиб, улар ушбу категориялар учун тенезис, асос вазифасини

¹Муғланнинк. ишсан ҳимоя-омчабон лутат – Т.: Шарқ, 1998. – Б.250.

²Муғланнинк. ишсан ҳимоя-омчабон лутат – Т.: Шарқ, 1998. – Б.251.

³Нурмухамедов Р., Юпусов И. Марказий, унсан ва ўзгариш зарбаси – Т: Ийт Сито, 2000. – Б.39-40.

Утаган. Қадр-қиммат, шахс қадри, инсон қиммати каби категориялар факат инсонга ишбатан ишлатилади; инсон хатти-ҳарикатлари, түшүнчелари, хислат ва фазилаттари уларнинг ифода объектидир Қадриятлар эса "инсонлардан ташкарида" (В.А. Абушенко) ҳам бўлиши мумкин.

Түшүнчани тъирифлапт унинг ҳамма белгиларини эмас, балки муҳим белгиларини кўрсатиб бериш демакдир. Бирок түшүнчани тъирифлаш, бу – ўша түшүнчада ифода этилашиган предметларнинг ҳар томонлама акс этиши детан сўз эмас. Түшунчта тъирифида унинг энг муҳим белгиларигина ажратиб кўрсатилиши корак¹.

Шу маънода К.Назаров тўғри таъкидланидек, қадрият түшүнчесини ҳаддан ташкари кенг талкин этиш ҳам, унинг маъносини торайтириш ҳам бирлек хатодир. Қадрият фалсафий түшүнчадир. У илмий түшүнчалардан фарқли равинда образли-мавхум түшүнчадир. Яъни қадрият деганда ҳамиша ижобийлик, фойдалилик, ёқимлилик, тараккиёт, гўзаллик, инсонийлик, зигуллик тасаввурни ўз-ўзидан намоён бўлади².

Шу ўринда М.С.Каган мулоказалари эътиборга лойикдир. Унинг ёзишича, қадриятни унинг объектидан фарқламаслиқ, яъни уларни айниятдириш ҳам, ёки уни "фойдалилик", "кераклилик" сингари объектив ҳолатлар билан тентлаптириши ҳам бирдай хатодир³.

Бизниш фикримизча, қадриятларни тъирифлашда уни маданият билан айтийлаштириш ёки "халкнинг маънавий маданиятини шакллантириш манбаси сифатида қадрланиб келинган маънавий-рухий ҳатти-ҳарикатлар, парса ва ходисалар мажмуи сифатида тъирифлаш, афсуски, қадриятлар тўғрисида аник ва конкрет тасаввур хосил қилингга имкон бермайди. Россиялик тадқикотчи Н.С.Розов "қадрият" түшүнчесига худди "ҳақикат", "акл", "ишон", "маданият" түшүнчалари каби узил-кесил ва тўла тъириф бериб бўлмаслигини тўғри таъкидлайди ва фалсафий

¹ Розиков И. Матик. - Т.: Универсалитет, 1994. - Б. 78.

² Назаров К. Академиг (Қадриятар фалсафия) – Т.: Академия, 2011. – Б. 23.

³ Каган М.С. Системный подход в гуманитарных знаниях. – Л.: Наука, 1991. – С.196.

жихатдан қафрияттарни "инсон онги ва хулкининг якуний норматив асослари" сифатида тушуниши тақлиф этади¹.

Қадрияттар мөхиятини фалсафий-аксиологик жихатдан тўғри тушунипда Қ.Назаровнинг мулоҳазалари эътиборга лойиклир: "Қадрият бирор-бир тарзла, шаклида зоҳир бўладиган, субъект учун муайян таъсирини намоён қиласидиган вожешикниң турли туман шакллари, кўриниллари, нарсалар, ҳодисалар, жараёнлар, муносабатлар, турли сифатлар, хусусият, ахлоқ ва маънавийлик мезонлари ҳамда бошқаларниң субъект учун ижтимоий аҳамияти ва қадрини инфодатлайдиган умумий аксиологик категориядир"².

Рус тилида қадрият ("цепность") ва баҳо (цена) туплунчалари ўзакдоти ва маънодоти туплунчалар бўлса ҳам, аммо улар бир-биридан фарқланади. Тушучага аниқлик киритиш максадида "қадриятни баҳолаш" туплунчаси кўлашасиди. Бизнинг тилимизда бу тушучча содда ва лўнда килиб "қадрлат" дейилади. Шу сабабли маънавий-ахлоқий тарбияда ёшларда тарихий-маданий меросни, анъанаударни, аждодларни қадрлаш ҳиссени ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади.

"Қадрият" ғоят муриқкаб, кўшкиррали ва кенг камровизи аксиологик категориядир. Оламдаги нарса, ҳодиса ва жараёнларнинг инсоғи ва киппилк жамияти учун аҳамияти тобора чукурроқ аংглантипи билан қадрият тушунчасининг мөхияти ва мазмуни тобора чукурлашиб бораверади. Шуниш учун ҳам "қадрият" муттасид равишда бойин борадиган тушунча бўлиб, унга бериладиган илмий-фалсафий таъриф ҳамиша даврийнинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, илмий изланишларининг бугунги даражаси билан борлиқ бўлади.

Қадрият тушунчаси воея ва ҳодисаларнинг объектив борлиги, унинг таҳс, гурух ва жамият учун аҳамиятини ўзида тўла ва ёрқин акс этиради. Нарса ва ҳодисалар такомиллашиб борипти, уларнинг

¹ Розов Н.С. Цепность в прикладном зонре. Новосибирск, 1996 – С.113.

² Назаров Қ. Аксиология. Калининград: Фолио, 1996 – Б.41.

шахс түрүх ва жамият учун ахамияти ортиб боритин билан қадрият тушунчасининг мазмунин ҳам чукурлашиб ва кенгайиб бораверади.

Юртимизда яшаган алломаларимиз қарашларида қадриятлар муаммосига катта эътибор беришгац. Турли мутафаккир ва олимлар мансуб бўлган хилма-хил оқимлар ва тарикатлар бирор шакддаги қадриятлар тизимиға эътиқод қилингандар, у ёки бу қадриятларни турнича таъқин килиши ва унига эрпинг йўлларининг кўрсатиб бергандар. Шу маънода қадриятшунослик фани юртимиз тарихида ўз ўтмишига эга, унинг илдизлари жуда қадим замонларга бориб тақалади.

Мамлакатимизда Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақибандий, Улуғбек, Навоий, Машраб, Бедил, Аҳмад Дониш, Абдушо Авионий ва бошқа мутафаккирларнинг қарибй барчаси ўз даврида муайян қадриятлар тизимиға эътибор бергандар, ўз муносабатларини билдиргандар.

Биз яшетган замон қаърида яшириниб ётгац, бизга ўларининг бой месъросини қолдириган, тарих ва замон, илм ва адабиёт, маънавий ҳокисорлик ва келажакка ишонч рухи, устоз ва шогирдлик шанъаси бирлаптирган улут зотларимизни турли йўналишларга ажратмасдан, балки яхлит маданият, улут бир цивилизация алломалар сифатида карамок керак. Қадриятшунослик тарихининг асл дурдонашари изфакат Ғарбдан, балки Шарқдан ҳам юндирилмоғи, биз юкорида баъзи намоёндагирниш номларинигина тилга олган ўртимиз цивилизациясининг улкан хиссаси жаҳон маданиятини энг буюк ютуклари сифатида мукиррар суръатда эътироф этидмоғи лозим.

Хуллас, қадриятлар муаммоси ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам у ёки бу олим ёки мутахассис яшаган давр, уни ўраб турган ижтимоий жарабистар билан узвий атоқдариликда изоҳланади. Ўтмишининг буюк авл эгалари у ёки бу қашрията кўпроқ эътибор берганиликлари тасодифий эмас, балки заруриятдир. Улар давр зарозуси тамал тоилиарини кўйган, замона зайшириша тат-сири кўрсатадиган, кинилар утун маънавий мезонлар мавкейга эга бўшан

қадриятларни шархлаганлар, таҳлил қишганлар ёки уларга етишиш йўлларини изоҳлаб берганлар. Уларнинг маданий-маънавий мероси бир бутун, яхлит умумомиллий бойликлар. Ўтмощдаги қадриятлар мавзунинг атрофичча таҳлили эса бир неча алоҳида тацқикотлар учун мавзу бўлининг арзиди.

Миллий қадриятлар маънавий меросниш узвий қисми сифатида асрлар давомида Ўзбекистонда маънавиятниш курдатли машбаси ҳисобланган. Турли ўзгариплар жараёнлари карамай, ўзбек халқи ўз тарихий ва маданий қадриятларини саклаб қолди ви авлоҳдан авлоҳдага ўтиб келмоқда.

Миллий қадриятлар бу тарихий, маданий, динёвий, ижтимоий-иккитисодий, географик ва демографик белтилар хос бўлган мамлакатниш моддий ва маънавий қадриятлар мажмуси ҳисобланади. Ҳар бир тарихий конкрет жамоавий шакт, қадриятлар тўплами ва табақаланиши билан характерланади. Улар ижтимоий бошкарув вазифасини ўтайди.

Этапсихологик лугатда берилган таърифига кўра, миллий қадриятлар – тарихий ўзига хослик акс этил у ёки бу этник жамоа, маънавий идеаллар вакиллари мажмусидир¹.

Миллий қадриятлар бир этноста хос бўлган ишонларнинг ижтимоий ва норматив-маданий хулки аксиомаси розини бажаради².

Миллий қадриятлар тушунчаси психологик ва ижтимоий ўзига хослик фактини қайд этиб, бошка жамоалардан фарқли ўлароқ, ушбу жамоанинг бир этноста каршилилиги, бир тоя ва тартиблар остида жимланганини билдиради.

Турли ривожланиш дарражасида бўлсан этносларни ўрганиш шуни кўрсатадики, этноснинг яхлишилиги, уларнинг воқеа ва ходисаларни идрок этиши ва муносабати, психикани хусусиятларий борсигита караб белигаланади. Айнан шундай позитциядан кепиб

¹ Этапсихологик словарь. – М.: МНСИ, 1993. – 343 с.

² Энциклопедический словарь по педагогике и психологии. – Сарнобай Сарововский педагогико-экономический университет. 2013. – 392 с.

чиқкан холда фаңда түйгү ва мүшсабатларининг мажмуси миллий қадриятларга таъриф берилди.

Миллий қадриятлар доимий ҳодисалар яхтитлигиши касб этиди, миллий мәданиятишин ва халкнинг ўзига хослигини акс эттиради. Ўз наебатида, бу ҳодисалар тарихий-географик ва сиёсий шароитларга боғлик.

Умумиссоний ва умумий қадриятлар, бир ғоя остида бирлашган миллатнинг таркиби кисми хисобланади.

Миллий қадриятлар таркиби шаклланади:

- замонавий миллий тарбиявий идеалдан;
- миллий қадриятлар тизимидан, бугун Ўзбекистон ва ёшларининг маънавий-ахлоқий тарбияси негизида ётари.

Миллий тарбиявий идеал – таълимтинг юкори максади бу инсон ҳақидаги идеал тасаввурни, тарбия, таълим ва ривожланиши, қайсики милитий ҳаётнинг давлат, оила, мактаб, сиёсий партиялар, диний бирлашмалар ва жамоат ташкилотлари шароитини ахшилишга каратилга.

Замонавий миллий тарбиявий идеал шунирда белгиланади:

- миллий устунлик;
- тарихий даврнинг миллий тарбиявий идеалларини саклаш ва инглаз таъбидаш келиб чиқкан холда;
- Ўзбекистон Конституциясига кўра;
- “Таълим” тўғрисидаги Конун ва “Қадрларни тайёрлаш миллий дастуринг кўра”, умумий таъаблар контекстидан келиб чиқиб, таълим ва таълим дастурларини асосий вазифаларидан келиб чиқсан холда.

Замонавий миллий тарбиявий идеал инсон – юкори маънавиятли, изходжор Ўзбекистон фуқароси бўлиб, у Ватани таҳдирини ўзиники сифатида қабул киласди, унинг маънавий ва маданий анъянатларга асосланган келажши ва бугуни учун масъудиятини хис қиласди.

Ўз ҳаётида Ўзбекистон фуқароси асосий миллий қадриятларга ташнади, буларга- ахлоқий, онлавий, ижтимоий-тарихий, диний

авлоддан авлодга ўтиб келаётган ва давлатни замонавий шароитда ривожланишини таъминлаётган ўзбек халки анъаналари.

Кўп миллат халқимизнинг миллий қадриятлари унинг ижтимоий-тарихий, маданий, оиласий анъаналарида сакнаниб келинмоқда ва авлоддаш авлодга ўтмокда. Айнан қадриятлар маънавий-ахлоқий ривожланишининг, тарбия ва ижтимоийлашув асослари мамлакатнинг самарали ривожланишини таъминлаиди.

Миллий қадриятлар асосида Ўзбекистоннинг миллий ҳаётидан, тарихий ва маданий мукаммалигидан ва этник хилми хиллигидан олинган.

Миллий ҳаёт жабдасидан ахлоқ ва ишсонийлик каби манбаларни алоҳида таъкидлаш мумкин, яъни жамоавий муносабатларнинг, фаолият ва ўзинчи англари каби хусусиятларга суннни инсонга бузгушчи тоялар таъсирига қарши туришда ёрдам беради, ва ўз опти, ҳаёти ва жамоавий муносабатлар тизимини ривожлаптиришга ёрдам беради.

Ахлоқнинг ашъашавий манбаларига: Ўзбекистон, унинг халки, фуқаролик жамияти, оила, меҳнат, санъат, дин, табиат ва ишсонийлик кабилагардир (1-иловага карант).

Миллий қадриятлар тизими яхлит миллат ҳақидаги тасаввур ва ижтимоий кучларнинг умумий қадриятлар ва ижтимоий мазмунининг умуммиллий вазифаларни счимида фуқаролик уйғулитикини таъминлаши.

Миллий қадриятларнинг фуқаролар розилигига эришин учун, таълим бўшлиғининг уйғулитиги, очошлиги, мулокот ва маданий ва ижтимоий жўшкандликни таъминлантига ёрдам беради.

Фуқароларнинг миллий қадриятлар бўйича ҳамжиҳатлизилиги миллатнинг қадрий уйғулитиги, маъшавий ва ижтимоий унификация билан хеч алоқаси йўқ. Миллат уйғулитиги қадрий консенсус турли сиёсий ва ижтимоий, этник ва диний уюпталар мулокоти, уларнилг отиқлиги, умуммиллий муаммоларни биргалинча ҳал этити, биринчи наубатда болалар ва ёшлиарни маънавий-ахлоқий тарбияси мамлакатимизнинг ривожланишини асоси сифатида кўрилиши орқали зришилади

Ўзбек халқиning ўзига хос миллий қадриятлари мавжуд. Ўзбек халқи ўзок ўтмишдан бери шакллашиб келмоқда, миллый қадриятлар ривожланғаннан ҳам ўтмининг тақалади. Миллый қадриятлар негизи сифатида ўзига хослик, ағъаналар хизмат килади ва улар халқ учун катта ахамиятта эга.

Шу билан бир каторда ҳудудий маданиятнинг ахамиятли көсемләридан бўймиш халқ анъаналари, ҳудуднинг маданий маконини ўзлантиришига ноёб имконият яратиб беради, ва ҳудуднинг турли хил халқлар вакилларининг нафакат турмуш тарзи билан танишишга ёрдам беради, балки кўшни маданиятларниш ўзига хослигини отиб беришга ва ички ўхташликни тонишга ёрдам беради.

Бошида қадриятлар маҳаллый даражада шаклланади, яъни айъана, урф-одатлар ва маросимлар шаклида. Асрлар давомида энг илонлари ўзига хослигини саклаган ҳолда сараланиб, кристаллашиб беради ва умумхалқ қадриятлар билан уйгуналашиб кетади.

Б.А.Кадыров, Х.Т.Хайдаров, А.А.Абдираззаков, Ш.У.Ахроров каби олимларининг қадриятларга таъриф берилган фикрларига асосланиб, ўзбек халқига хос бўлган миллий қадриятларга шулар киритиши мумкин:

- * ўз уйи ва Ватанини хурмат килиш;
- * аждодлар рухига содиклик;
- * катталарни хурмат юлиш, кичкиналарга иzzат кўрсатиш;
- * меҳмоцдўстлик;
- * болаларга мухаббат;
- * маънавият-одоб-таълим;
- * илтифотлилик, инсонларга муносабатда адаблилик;
- * вазминлик, сабр, назокат;
- * мулойиълик, мулокотда камтарлик;
- * оғир кундарда матопат ва сабр.

Илмий адабиётларда “қадрият”, “қадриятта йўналтганлик”, “қадриятли устакновка”, “қадриятлар тизими” тушунчласига доир жилма-хил таърифларни упратиш мумкин.

Агар кадрият дин, мағкура, санъат каби ижтимоий онг шаклидан алохила ажратиб қаралса, у ҳолда унинг мустакил маънномиятишга ишебатап тубхә уйгонади. Чунки инсон ёки жамиятиш бирор-бир эхтиёжларининг қондирилиши нафақат, моддий, шунингдек идеалик билан хам атоқадорликни акс эттиради. Эхтиёжнинг ўзи хам ижтимоий ҳаётнинг қатор шарт-шароитларин ва ўзига хосликларини аниклаб беради. Демак, кадрият инсон ва жамиятиш ташки оламга муносабатишиш, уларнинг ички эхтиёжлари ва вобеликка муносабатлари билан уйғунлашувя налижасида юзага келади. Мазкур муносабатнин баркарор хусусият касб этиши инсон фаолиятичнинг мақсади ва мотивларини шакидантиришга хизмат килути "қадриятли йўналгаплик" атамаси билан ифода этилади.

Шахснинг "кашриятта йўналгандиги" атамаси XX асрнинг 20-йилларида социология фанида У.Томас ва Ф.Знанецкийлар томонидан киритилган бўлиб, ударнинг фикрича ижтимоий установка – индивиднинг ижтимоий дунёдаги реал ва мавжуд фаолигини аниқлаб берувчи индивидуал англар жараёнидир¹. Бонгача сўз билан айтганда, ижтимоий установка индивид, гурӯҳ, яхлитликда жамият хулқ-авторини бопқаришини таъминшловчи ядро вазифасини бажаради. Ижтимоий установканинг пайдо бўлишидан аввал индивид томошадан эхтиёж ва шарт-шароитларнинг англаниши содир бўлади. Сониумнинг таъсири жамият томонидан маълум ахборотларни одиг исосида эхтиёжларининг қондирилишига эришин билан белгиланади. Шундай килиб, қадриятта йўнашгандик индивиднинг онгида шакланади, карор тонади ва ўзгариб туради².

Т.Нарсоденинг "Ижтимоий характерларниң тузилиши ҳакила" деб номланган асарида кадрият ва кадриятта йўнаштаниш тушунчалари ўргасидаги шоқадорлик ажратиб кўрсатилган. Яъни,

¹ Томас У., Знанецкий Ф. Методология политической социологии // Америк. соц. мысл. - М.: Изд-во МГУ, 1994. - С. 144.

² Газа китба. - Б.336-337.

социум маданиятида эталонларга интилишининг намоён бўлиши асосида жамиятнинг функционал эҳтиёжлари юзага чикади¹.

Кадриятта йўналғанлик шунингдек, ўз ичига индивиднинг ҳаётий тажрибалари ва орзу-армонларини ҳам қамраб олди. Ана шу сабабли қадриятта йўнашганлик ўзига хос психологик тавсифга эга бўлиб, шахс тузилишининг барча компонентлари ва ихтифозимини акс эттиради.

Педагогик аксиологияга доир адабиётларда “қадриятли установка” тушунчаси ҳам учрайди. Гарчи кўпчилик муаллифтар “қадриятли йўналғанлик” ва “қадриятли установка” тушунчашарини синоним сифатида кўплашса ҳам, биринчилардан бўлиб М.Рокич улар орасидаги фарқни алоҳида ажратиб кўрсатган. Америкалик олимнинг фикрича, установкани маълум бир объект (конкрет ёки абстракт, шахсий ёки ижтимоий)га ёки вазиятта ишбатан субъект муносабатида акс этувчи узок вақт давомидა шаклланган бир канча ишонч, эътиқодтар мажмуйи деб караш мумкин². Демак, йўналғанлик шахснинг жамиятдаги меъёрлар билан иносит эҳтиёжлари уйгулашуви акс этса, қадриятли установкада шахснинг ҳамалий фаолиятда мазкур муносабатлари тизимини рӯёбга чиқаришга тайёрлиги акс этади.

Педагогик аксиология соҳасида тадқиқотлар олиб борган олим Б.Ходжаевнинг таъқидатинча, шахснинг ўзининг ички позициясини антлаши ва аник қадриятлар билан боғлиқида амалий фаолиятта тайёрлиги қадриятли установканинг мөхиятини белгилаб беради. Установка шахснинг аник фаолиятга тайёргарлик ҳолатини акс эттирувчи когнитив (билим, ахборот) ва аффектив (эмосия, хиссият) компонентлар мажмуюи сифатида намоён бўлади³.

“Қадриятлар тизими” муайян ижтимоий субъектларга (шахс, мизлут, жамият ва бошқашар), бирон бир давр, тарихий боскич ёки соҳа билан боғлиқ бўлган қадрият шаклларининг ўзаро

1 Нарофе Г. О структуре социального действия. – 7-е изд. – М.: Академический проект, 2009. С. 220-203.
2 Rotach M. The role of values in public opinion research // The Public Opinion Quarterly, Vol. 32, No. 4, – 1968. P. 347-355.
3 Ходжаев Б. Педагогик аксиология. – Т.: "Fan va tekhnologiya", 2012. – 6, 17.

алоқадорлығы ва чамбарчас бөгликлигіни ифодалайтынан түшүнчадыр.

Кадрияттар тизими маданиятнинг асосини тапкыл этиб, жамият азъздаринин маңнавий ва ижтимоий әхтиёклари, кизиқищлари, уларшыл ижтимоий ҳаракатлари ва хүлк-авторини бишкәришни ўзіда акс эттіргеді.

Б.Битинас ва И.П.Подласыйдар кадрияттаршынг учта асосий тизимиши ажратып күрсатылған: трансцендентал (диний мөхият нұктасы назаридан қандайдыр мұтлақтықта зға), ижтимоий йұнаптирилған – социоцентрик (гурүхий, умуминсоний, касбий, миший ва х.к.) ва антропоцентрик (индивидуал).¹

М.А.Макаревич кадрияттар тизиминиң күйидеги гурухларға ажратған:

Хәёт мазмунини белгилаб беруви (яхшилік, ёмоншыл, бағыт, фаровонлик), универсал (хаёттій (вигал), демократик, ижтимоий обрұ-эътибор, шахсий ривожланиш, шахслараро мұносабат), норасмий (аңъашавий, диний ва үрбанизациялық оид) ва жамоавий (үзаро бир-бирита берілген ва бирдамлыш). Хаёттій (вигал) кадрияттарға деганды инсон хабиттерінің мухофаза кишишінде үзайтирилған бирламчи ва оддий әхтиёклар түшүнилди. Хәёт мазмұншыны белгилаб буюручи кадрияттар эса мураккаб түзилишта зға бўлиб, бутун ишсон хәёттіңи мураккабликлары ва гаройиботтарға бойлигиши ифода этади.²

П.А.Сорокин кадрияттар тизиминиң учта түрінде ажратып күрсектелген:

– идеационал қадрияттар тизими. Мазкур тизимге доир қадрияттар ва идуаллар ўзгарыпсыз да оиммий, мұтнақ тавсифта зға бўлиб, уларни тушупиб етиш жараённанда юзага келадын түсінілдірілген сенсиялдық жараённанда инсонда жаһсий коннекшінде юзага кетади;

¹ Подласый И. П. Педагогика: 100 вопросов – 100 ответов. – М.: ВЛАДОС-пресс, 2004. – С. 83.

² Макаревич М. А. Целостность Российской социологической энциклопедии / Под общ. ред. Акад. ГАН Г.В. Островского. – М.: НОРМА-ИОФРА-М, 1998. – С.609-610.

– хиссий қадриятлар тизими. Мазкур тизимга хос қадриятлар мутлақ күрәнеш касб этмайды, индиңид интирок этаёттап вазият билан бөгликтесе амал килади;

– идеал қадриятлар тизими. Идеационал ва хиссий қадриятларның умумташтырылыш асосида таркиб топади¹.

Тизимли, субъектив өз фаолиятта йүнәлтирилган ёндаппұлар өз қадриятта йүнәлтирилған фаолиятнинг үзігі хөсликтерини ҳисобға олған ҳолда “қадрият” түшупчаси талабашынг қасбшынг ижтимоий ақамиятини тұлғық аңграб етілгандығы тавсифида бұлғуси педагогик фаолиятта субъектив мұносабаты өз балосини ифода этипін ҳақидағы худосага келіпді. Мазкур асоста таянған ҳолда “қадриятлар тизими” түшунчасынға бирқарор, доимий өз динамик-функционал шекаралорнаның зәғ қадриятта йүнәлтирилған (бахолапта доир) фаолият асосида қасбий тайбергарлыш жарабаһыда шаклланадылған компонентлар (қадриятның турлары өз шектелері) мажмудидір, тарзда таъриф берілді.

Маълумкі, талқықот предметтің категориял аниараты сиғыт диражасы күп жиҳатдан педагогик вазифаларни ҳал килиш мезонлари өз педагогик ҳодисалар мөхияттің белгілаб беради. Бұлажак қышқыл құжалығы мұтахассисарнанда қадриятлар тизимини ривожстантиришнинг педагогик-психологик хусусияттарини тәдқик этип учун энг авызға, “ривожланип” өз “шакллаштырып” түшунчаларининг мөхияттің аникташтыриб олиш зарур. Тәдқықот доирасыда “ривожланириш” атамасы құлланылғаннанға боис шундай худосага келинди.

Б.М.Бим-Баднинг таърифінде күра, таълим үзінде тарбия, үкіш өз үкітишни қамраб олади². В.И.Андреев “таълим”ни “маданият” да үз аксины топуучи, үкітиш өз тарбия орқали ималта оширилувты қодиса сиғатыда талқын килади³. Үз нағызбеттің “үкітиш” категориясын ипсоннект “таълими”, “тарбияси” өз “ривожланип” түшунчалары орқали отыб берилади. Бәзги адабиётларда

¹ Саровин П. Человек. Школьное. Общество. /Пер. с англ./ – М.: Политехлит, 1992. – С. 483-494.

² Бим-Бад Б.М., Петровский А.В. Образование в контексте социализации // Ж. Психология. -1936. № 1. - С.3.

³ Андреев В.И. Психология тарбияного саморазвития. – Казань: КГУ, 1996. - 567 с.

"ривожланиш", "шакланиш" орқали амалга ошиди, леб кайд этилса, бошқаларида "шакллашиб" "ривожланиш" орқали леб таъкидланаади. Шунга қарамасдан, кўплаб муаллифлар "ривожланиш" тушунчасиниши нисбатан кенгроқ ва қамровлирок Экаимлигини ҳамда шахснинг асосий мотивацион эҳтиёжлари, когнитив, иродавий ривожланиш соҳасидаги ўзгаришлар динамикасини ифодалашда кўпроқ қўшанилишини эътироф этадилар.

Аксарият ҳолатларда шахс ривожланишини қўйидаги тушулғачалар билан ифодаланади: а) турли вазият ва широонтларда намоён бўдувчи, шахснинг ички қарашларини белгилаб берувчи етакчи мотивлар тизими; б) жамиятда мавжуд бўлингнинг ўзига ҳосилини белгилаб берувчи таҳс ўзаги, асоси; в) ташки таъсиirlарнинг ички шартлар билан қўшилиб умумий йўналтиришларини касб этувчи, талики ва ички шароитлар бирлигининг ифодаси; г) мотивлар, қизиқишлар, эҳтиёжлар, интилишлар, ғоалар, эътиқодлар¹.

Педагогик-психологик адабиётларда "ривожлантириш" атамаси ифдизидга, ушинг психикасига муносабат шуксан-назаридан кўриб чиқлади. Яъни, ривожланиш – бу индивиддининг ички зарурий ҳатти-харакати, "ўз-ўзини харакатлантириши" бўлиб, ташки таъсир доимий равнида ички йўналганик асосида харакатланади. Ривожланиш – бу ишон жисмоний ва маънавий ривожланкишининг кетма-кетликда амала ошадигин миқдор ва сифат ўзгаришиариши объективия жараёни².

И.Н.Подласый "Ривожланиш ички ва ташки шарт-шароитлар билан шартланади. Ички шарт-шароитларга организмнинг физиологик ва психологик хусусиятлари киради. Ташки шарт-шароит инсонни ўраб турган борлик, у яшайдиган ва ривожланадиган мухитdir. Ташки мухит билан ўзаро таъсир асосида инсоннинг ички борлиги ўзгаради, ўз нафотида кейинти

¹ Мустаимов Н.А. Кеоб таъсими: Зоткушашни касбий изъекантиришинг низадий-метадий ахоллари. Психология фентарят докторя... дисс. Т., 2007.

² Каменецкая В.Л. Психология развития: общие и специальные вопросы. – СПб.: Питер, 2008. – 216 с.

ўзгаришларга олиб келувчи яшги муносабатларни шактлантиради”¹, деган умумий концепцияның күрсатыб ўтган.

“Ривожлантириш” түтүнчеси таҳдилига асосланыб, “бұлажак кишилөк хұжалиғи мутахассисларда мілдій қадрияттар тизимини ривожлантириш” міллаттарварлық ва қасбий фаолият билан бөгликтікде мілдій анъана, үдем ва маросымларга қадриятты муносабат тәсифиши ўзіда акс эттирувчи ва амалий фаолият жарапында памоён бұладыткан, қасбий компетентлікнинг мұхим аксиологик компоненттер тәрзіде сипат ўзгаришлариниң қосыл қилинуга йүзделіриш объектив ва субъектив жарапын үйгүнлігидір, деган хүлесага келинди.

1.3-§. Ижтимоий мұхит өмілларининг бұлажак мутахассистарда қадрияттар тизимини ривожлантиришга таъсіри

Иктисадий, сиёсий ва мәдений түпгүнчаларнинг мұстакиллік белгілерінде ўзгариши, мілдій түрмуш тәрзининг түкладашының қадрияттарында қадрий қарашлары ва ижтимоий күрсатмаларига ўзгаришига катта таъсир килади. Шу билан бир қаторда ўз мәдений мөрсөн ривожлантириш ва шакшашын, ижтимоийлашув жарапында шакшанаёттан ва оңда мұстахкамланиб келебттан мілдій қадрияттарға содиқлік.

Ижтимоий мұхит ижтимоийлашув түшүнчеси билан чамбарчас бөлшегі. Маддий социум ва шахснің ижтимоийлашуви түшүнчали чамбарчас бөглиқдір, ва бу И.Т. Фролова таснифіда ҳам яқдод намоён бўлиб турибди. У “қадрият” түшүнчесини “атроф мұхиттіннің ижтимоий таснифлашын объекті, инсон ва жамият учун ижобий ёки салбий таъсир ўтказади: әзгулик, яхшилик ва ёмонлик, гүзалик ва ножӯя, табиат ва жамият ҳаёті ҳодисасы сифатида кўрилган”².

¹Назаретов, И.П. Педагогика. Новый курс: Учебник для студ. пед.узов: В 2 ч. — М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2006. — Кн. 2: Принципы воспитания. — 156 с. — С.25.
Философия: словарь. /Под ред. Фролова И.Т. — М.: Речь-Издательство, 2001. — 719 с.

Ижтимоий тизим миқиесида умумий қадриятларнинг бўлишиши назарда тутилади. Ижтимоийлашув жараёни қадриятлар шаклланishi жараёни сифатида кўрилади.

Миллий қадриятлар маданий ижтимоийлашув билан чамбарчас боғлиқ – бир томондан булар жамиятни бирлаштирувчи асосидир, бопкә томондан ижтимоий мухитнинг таъсири остида шакилданади.

Ижтимоийлашув масалаларини ўрганишнинг социологик ва ижтимоий-психологик йўналишлариши ажрагти мумкин. Социологик йўналиш индивидниш ижтимоийлашувини ижтимоий муносабатлар тизимига киришаш учун маълум бир ижтимоий хусусиятларни ўзлаптириш билан алоқадорликди, ижтимоий-психологик йўдалит эса, ижтимоийлашувда онтогенез даврида ижтимоий меъбр, маданий қадриятларни ўзлаптириш жараёни акс этишиши ифода этади.

Америкалик социолог Н.Смитсер "ижтимоийлашувни ижтимоий ролга мувофик келувти кўникума ва ижтимоий установкаларни шакллантириш жараёши"¹ тарзида аниклаштирган. Г. Тард жамиятни яхшиликда авлоддан авлодга ўтиб борити ҳамда қадрият ва установкаларни ўзлаптириш орқали индивидуал онтнинг маҳсулли сифатида талкин этади. Унинг фикрича, қадрият ва установкаларни ўзлаштирити барча ижтимоий ҳайтнинг изоҳи таомойилини акс эттирувчи "таклид" тушунчасида ўз ифодасини топади². Америкалик социолог Ф.Гиддингс ижтимоий организмнинг талқиъ топтипида истесъено тарикасида психологик асос ётади. Унинг фикрича, биргаликдаги ўзаро фаолият умумий қадриятлар таркиб топтириладиган ишонч ва таклид механизми орқали содир бўлади. Жамиятниш таъсири остида индивидда гурӯхий установкалар, идентич инглантрилик таркиб тонади³. Америкалик олим Т.Парсонс жамиятни асосий функцияси биологияк кўлайлиш ва янги авлодни ижтимоийлаштириш йўли билан

¹ Смитсер, Н. Социология / Н. Смитсер; пер. с англ. – М.: Феникс, 1994. – 552 с.

² Тард Г. Записи под руководством Г. Гарея; пер. с фр. – М.: Академический Проект, 2011. – 489 с.

³ История социологической мысли: в 4 т. / отв. ред. и сост. Ю.Н.Давыдов. – М.: Ханы, 1997. – Т. 1. – С. 169.

ингиланиш бўйича маълум бир юндалар тизими асосида рационал ташкил топиш ва мавзуд бўлиш сифатида тасаввур килиган. Шунинг учун жамият шахс ижтимоий ахамиятли ва назорат килинувчи хулқ-автор икамуналарида иўтирок этиши учун аспект мотивациянинг ҳаётий никли жарёнида ривожланиши учун ижтимоийлашув механизмларини ишлаб чиқиши лозим¹. Француз социологи Э.Дюргеймнинг концепциясида индивид ва жамиятнинг ўзаро ҳаракати жараёнининг асосида инсоннинг иккى хил табииати ётади. Бир томондан, у индивидуалтиктин аниқлаб берувчи психик ҳолитлар мажмуидан ташкил тонса, бошқа томондан ўз иждодларининг ғоялари, хис-туйгулари ва одатлари мажмунини оммалаштирувчи ҳамдир. Ана шундан келиб чиқсан ҳолда, жамиядта ўсиб келайтган авлодни ижтимоийлаштириш максадга йўналтирилган тавсифга эта бўлиши лозим².

Ижтимоийлашув инсоннинг маданият, коммуникация таъсири остида шаклланиш жараёни, бир-бирлари билан мулокотда бўлишларини ифодаласа, ижтимоийлаштириш тушунчаси эса, жамиятнинг муваффакиятли ривожланиши учун зарур бўлган икамуналарни хулқ, психологик механизм, социал норма ва қадрияларни ўзлантирип жараёнидир³.

"Ўзбек тилининг изохли дугати"да эса "ижтимоийлапмок" тушунчаси "ижтимоий тус олимок"⁴ маъносини аниқлабилди кўрсагилган. Ижтимоий тус олиш тушунчанинг умумий моҳиятини очиб беради. Бирок, уни ижтимоий-философий, педагогик ва психологик нуткан пазардан таҳлил этилганда тушупча мизмунини кенг, багафсил ёритиш такозо этилади. Зоро, "ижтимоий тус олиш" айнан натижаси ифодаланига хизмат килиади. Шахснинг ижтимоийланувида ва айнан педагогик талқинда патижадан аввал жараёнининг моҳияти, унинг кечишини ўрганиш, таҳлил килиш муҳим ахамият касб этади.

Американский социологический метод. Тексты / под. ред. В.И.Дубровинова. – М.: Междүндр. утт. Видава и управление, 1995. – 496 с.
Дюргейм Э. Соткотене. Ее неизвестные методы, предложенные Э. Дюргейм. – М.: Канон, 1995. – С. 253.
Философия комусий дугати (Тушуниш ва маснуда музукрен Н. Шеврон). – Г.: Шарқ, 2004. – 495 б. – б. 173-174.
Ўзбек тилининг юзали думти. 5 жадиди Ижтимоий энс. Е. – М. – Т.: "Ўзбекистон илмий шинникохонаси". Шаддат шарий национал, 2005. – 178 б.

Бизнинг таджикотимиз доирасида мазкур тушунчанинг мөдияти А.В.Мудрик томонидан берилган тъърифга кўпроқ мос келади: “Ижтимоийлапув – маданиятини ўзлаптириш ва қабул килиш жараёнида инсоннинг ривожланинни ҳамда ўз-ўзини ўзгартириб боришидир”¹.

Н.Эгамбердиссанинг фикрича, ижтимоийлапув ва қасбий струклик жараёнлари қасбий таълимни бир вағснинг ўзида ҳам шахснинг индивидуал ривожланиши, унинг ижодий салоҳиятини ривожлантириши, ҳам талабанинг шахсий ва қасбий нуктаи назарини тақдизанишига йўналтирилган бўлишини талаб қиласди. Ушбу жараёшларнинг мувафақияти куйидаги иккита шартни амалга оширипни ташаб этади: талабаларни фаол ижтимоий ва қасбий муносабатларга жалб этип; биргаликдаги самарали ижтимоий ва қасбий фаолият жараёнида шахснинг ўз-ўзини тўла намоёш эта олипига имконият яратиш².

Инсон түғилини биланоқ маълум ижтимоий мухитга келиб тушади ва доимо унинг таъсирида бўлади, ривожланади ва тарбиялассади, айнан шу мухитда ушинг шахсий хусусиятлари тақдизланади, ва булар унинг утибу мухитта таъсир ўтказа олиш имкониятини яратади.

Мухит табиий ёки ижтимоий бўлиши мумкин. Ҳар бири алоҳида элементлардан иборат ва бола шахсига турли хил таъсирга эга.

Табиий мухит ўз ичига табиат, ўсимлик дунёси, инсон хаётидаги географик шароитлар, ўсиб келаётган ва ривожлашашган шахсга бевосита таъсир ўтказади. Бу унинг турмуш тарзи, атрофи ва қасбига ҳам боғлиқ.

Ижтимоий мухит – бу инсоннинг ижтимоий дунёси, ўз ичига инсондарни ривожлантириш, фаолияти учун шароит яратади. Инсон ижтимоий мухитта нафакат боғлиқ, балки ўз фаол ҳаракатлари билан уши ўзгартиради, шу билан бирга. Ўзини

¹ Мурик А.В. Основы социальной педагогики. – М.: ACADEMIA, 2006. – 205 с. – Б.3.

² Этошибердева Н. Марклин-инвалидизация: вицебскую осеню таъмногоник шахснинг ҳамонизацийаси жана ўзинини (Педагогика оғиз тарли музозакони майданда). Док. фил. зан. ... дисс. – Т., 2010. – 332 с. – Б.127.

ривожлантираци. Шунинг учуд хам мавжуд шароитлар инсонни яратади, баъзаш эса аксинча; инсон шароитни яратади.

Шахсни ўраб турган ижтимоий мухит хам фаол кўриништа эга бўлади ва инсонга таъсир, босим ўтказади, ижтимоий цизоратга бўйсундиради, “бор моделлар билан “зааралайди”, баъзила маълум йўналишдаги ижтимоий хулига мажбурлайди”.

Ижтимоий мухит – бу, аввало, ҳар бир индивид ўзига хос мураккаб ва турли хил муносабатларда тизимида бирлашган турли гурухлар ҳисобланади.

Шушиңдек, бу ижтимоий реалик бўлиб, моддий, сиёсий, роявий, ижтимоий-психологик омиллар мажмуасидир ва шахсниш амалий фаолиятидаги муносабатдир. Мухит инсон ривожланшининг энг мухим омишиаридан бири ҳисобланади ва у инсон хаёти давомида тўтидан-тўти таъсир ўтказади. Педагог ва социологлар ҳамда психологлар фикрини умудлаштирган ҳолда, ижтимоий мухит – бу инсон хаётига маълум бир давр замондоши сифатидан максадли бевосита ва бўйвосита таъсир ўтказади.

Ижтимоий мухит ўз ичига стихияли ҳаракатланаштган, онгли, режали ҳаракатланаштган омишларни олади: моддий бойликларни, жамиятниш маънавий ҳаёти, ижтимоий бошқарув мухити, яъни давлат бошқарув шакти, сиёсий партия ва жамоат ташкилотлари билан алоқалар, буларга ижтимоий-иктисодий, сиёсий шароитлар ҳисобланшиб, шахснинг ижтимоий мақомини шакллантиришга ёрдам беради.

Ижтимоийларув омишлари – ижтимоийларув жараёни рўй берадиган механизмлар. Ижтимоийларув омишлари – ижтимоийларув жараёни учун яратиладиган шароит ва вазиятлар. Канчалик жиҳатлар кўп бўлса, уларни биринкириш варианtlари кўп бўлади, шу билан ижтимоийларув омишлари ҳам кўп бўлади.

Ижтимоийларув омишлари, ижтимоийларув жараёни ёшларнинг турли хил шароитлар билан бевосита биргаликдаги ҳаракати жарайёнида амалга ошади ва уларнинг фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади. Инсонга таъсир этувчи шароитлар омишлар дейилади. Аслида уларниш баражаси ўрганилмаган ва

аникламмаган. Ўрганилмаган омишлар тўғрисидаги билимлар старли эмас, боззилар тўғрисида кўп, ботқалари хакида кам маълумотлар бор. Ўрганилган ижтимоийлашув шароитлар ва омилларни расман 4 гурухга бўлиш мумкин.

Биринчиси, мега омишлар (мега – жула катта, умумий) – ср шаридати барча ахолини ижтимоийлашувинга таъсир ўтказувчи омишлар: фазо, сайдёра ва дунё.

Иккиси, макро омишлар (макро – катта) – маълум мамлакатларда яшовчи ижтимоийлашувига таъсир этувчи, экологик, демографик, иктисадий омишлар, мамлакат, этнос, жамият ва давлат омиллари.

Учинчиси, мезо омишлар (мезо – ўртача, оралиқдаги) катта гурӯҳлари инсонларнинг ижтимоийлашув шароитлар, яшаш жойи ва овулгоҳ шароитларига караб белгиланади (худуд, кишлек, шаҳар ва Шаҳарча), оммавий коммуникация турларига карашлилигига караб (радио, телевидснис ва б.), у ёки бу субмаданиятга тегишилигига караб, этник карашлар ва худудий шароитлар яратилди ва шакланади.

Мезо омишлар ижтимоийлашув жараёстига тўғридан тўғри ва биљосита тўртинчи гурӯҳ – микро омишлар оркали таъсир ўтказади. Уларга конкрет инсонларга бевосита таъсир ўтказадиган омишлар – оила, кўни-кўпинилар, тенгдош гурӯҳлар, таълим маскашлари, тарбия маскашлари, турли хил жамоат ва давлат ташкилотлари, диний ва хусусий ташкилотлар, микросоциум. Бу шахс ривожланиши рўй берадиган энг яқин мухит социум ва микросоциум деб аталади.

Микро омишларнинг турларини айтиш мумкин: меҳнат ва ишлаб чиқариш, жамоавий-сиёсий, оиласий, таълим ва тарбиявий, харбий, ва б.

Айтиши жонизки, шахснинг ривожланиши омишлари каби масалалар – физиология, генетика, нейрофизиология, нейропсихология, биохимия, психология, социономия, ижтимоий психология каби фанларнинг асосий муаммолари ҳисобланади.

Бу масала педагогикага тегишли бўлади, қачонки тарбиячи ўзига ушбу саволларни берса:

Айнан нима ва қай даражада шахснинг тузилтишида максадга йўналтирилган ривожланиш рўй беради, ва қайси жихатлар кўроқ ирсиятта боғлик ва педагог томондан имаша оширилган харакатлар керакли натижаларни бермайди?

Инсон “табиати” ва унинг ривожланиш “муҳитини” накадар ўзгартирини мумкин? Ва бу нарса керакми?

Биз тарбиялаш оркали шахснинг табиий риожланиш жараёнига қандай ўзгартирини киритишими мумкин?

Тарбия шахс ривожланишида қанчалик аҳамиятли?

Инсон томонидан идеал қадриятларни ўзлаштириш жараёни қандай кечади, айнан қандай ижтимоий омишлар инсон хушкига таъсир ўтказди, унинг тарбия ва ижтимоийлаптувининг йўналишлариши ашиклав беради?


Бу саволларга жавоб бопка масаланинг ечими билан боғлик: шахс ривожланишида ҳар бир омил қандай аҳамиятта эга?

Бу масалаларири ечишда жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази “Ижтимоий фикр” ижтимоий тадқиқотларига сунгага ҳолда амалта оптирилди. Бу тадқиқотлар ёрдамида нафакат ёпилар онгига янги ҳодисалар ва таъденишларни аниклапига эришилди, балки ҳозирги замонда ёшларни қўйнаётган муаммолар аникланади ва уларнинг ўз ижтимоий истаклариши, қафрий карашлар, манфаатлар, актив фаолият, идеаллар тизими шаклланиши жараёни ҳакидаги тасаввурлари ўрганилдин¹.

Тадқиқот натижаларига кўра, талаба-ёшларнинг қаратлари, фукаролик позицияси бир неча ижтимоий омишлар таъсири остиладир. Ёшлар тадқиқотда шуни айтиб ўтишни, унарнинг фукаролик позициясини шакллантиришда асосий омишлари сифатида ойла (85,9 фоиз), мулоқотнинг ижтимоий муҳити (40,8 фоиз), маҳалла (38,8 фоиз), таълим даргоҳлари (33,5 фоиз), ОАВ ва интернет (32,7 фоиз) ва дўстлар (27 фоиз) алоҳида ўринтутади.

¹ Информационно-аналитический доклад по результатам социологического исследования // “Министерство образования: значение, позиции, практикость, социальные ориентиры”, 2015. – 3 с.

Тадқиқот шуниң күрсатдиди, бўлажак мутахассисларшинг фуқаролик позициясига таъсир ўтказувчи, яшаш жойига боғлиқ бўлган омиллар ҳақида турли тасаввурлар мавжуд. Мисол учун, шаҳардик ёшлар, кишлоқда яшайдиган ёшларга карагашда ОАВ ва интернет тасирини белгишаган (35,4 фоиз ва 30,1 фоиз) ва дўстлар (35,4 фоиз ва 18,9 фоиз). Кишлоқ ёшлари фикрига кўра, шаҳарда яшайдиган ёшларда маҳаллагага катта аҳамият берилади (42,9 фоиз ва 34,5 фоиз) ва таълим даргоҳлари (26,9 фоиз ва 39,9 фоиз). Шундай хулоса келинчики, ёштарнинг фуқаролик ва дунёвий позицияларига таъсир этувчи омиллар уларнинг ҳаётй позициялари: оила, соглик, таълим, Ватанга хизмат каби омилларга боғлиқ (1.3.1-расмга караш).




1.3.1-расм. Бўлажак мутахассисларнинг фуқаролик позициясига таъсир этувчи омиллар

Ўзбекистонлик ёшлар учун ломишант ҳаётй позициялар бу оила, соглик ва Ватанга хизмат. Мамлакатдаги ёшларнинг ҳаётй қадриятлари уларнинг жисси ва ёшта боғлиқ.

1.3.1-расмда кўрсатилган жавоблар ҳам шуниң кўрсаталики, мамлакатда олиб борилаётган ёшлар сиёсатининг самарадорлыги, ёшларнинг ҳаётй қадриятларида асосий ролни таълим эгаллаб келмоқда ва бу стакчи омиллардан бири хисобланади. Бу ёш ўзбекистонликларнинг ўз таълим дарижасини оширишга қаратилган истакда акс этади. Мактаб, коллеж ва лицейлардаги хар иккинчи киз ёки йигит олий ёки ўрта-махсус мальумотга эга.

Еш жиҳатдан кўриб тикадиган бўлсак, олий мажбуотли бўлишини истаганилар 14-19 ёшли, 16-17, 18-19 ёшли респондентлар, 20-24, 25-29 ёшлиларга карагандай нисбатан кўпроқ (99,2 фоиз, 92,9 фоиз, 80,0 фоиз, 56,3 фоиз, 36,7 фоиз).

Респондентлар хаётидаги энг муҳим қадриятларни аниктари учун ушбу савол берилди: “Сизларнинг хаётингизди энг муҳим нарса нима?” Уларнинг жавоблари кўйидааги жойлашган: оила ва болалар – 42,1 фоиз (икки йил аввалиги тадикотлардан кўра, 1,5 баробар паст кўрсаткич). Шу билан бирга, якинлари ва ўзлари соғлиги аҳамиятли сифатида белгилаган фуқаролар сони 1,5 баробарга ўси. Ҳаётий қадриятлар иерархиясида кейинги ўринларда мамлакатдаги тинчлик, осойишталик ва Ватан равшаки, тўртингич ўринда ўзбекистонликлар хаётни ўзини белгиланинг ва биринчи бешталикка муҳаббат ва дўстлар кирган – 1,9 фоиз (1.3.2 расм).



1.3.2-расм. Бўлажак мутахассисларда хаётий маъсадларни таркиб топтирипта таъсири этувчи омиллар

“Митлий қадриятларни тақлодтиришда кайси метод ва воситалардан кўпроқ фойдаланинг зарур” саволигига олинган нафокалар ҳам таҳдис этилиб, кўйидааги хуносаларга келинди (1.3.1-жадвалга каранг).

Талаба ёслар маннавий қадриятларга энг юқори кўрсаткич беринади. Биринчи курс ташабаларида у 68,5 % ни, тўртингич курс ташабаларида 69,5 % ни ташкил этади. Бу ўринда маннавият тиражийтимизниң “бош кўрсаткит” кидаб олинганинг таъсири маюкуд.

Ёнтарда адолатта интилиш ва уни ҳимоя килиш истаги күтли бўлди. Биринчи курс талабалари умуминсоний кадриятларнинг энг асосий кўринишлари деб адолатши тушунадилар ва шунинг учун ҳам “адолат туйғусини тарбиялаш”га иккинчи ўринни ажратадилир. Бирок тўртинчи курсга келиб талабаларнинг фикри ўзгаради, яъни 41,5 % бирданига 31,5 % га тушиб қолади. Бигининг назаримизда, юкори курсга ўтган талабалар онгига, ён-атрофдаги поҳакликлар, матбуотларда зълон килинаётган турли кинғирлик ва зўравошликлар ҳакидаги маколалар тарьсир килганга ўхшайди. Лекин уларда ҳам адолат туйғуси ҳали юкоридир.

1.3.1-жадвал

“Миллий кадриятларни шакслантиришда қайси метод ва воситаlardan кўпроқ фойдаланиш зарур” саволига респондентларнинг жавоблари

| № | Жавоблар мазмуни | 1 курс – 146 нафар талаба | 4 курс – 165 нафар талаба |
|----|---|---------------------------|---------------------------|
| 1. | Машавий кадриятларни кенг тарғиб килиш | 68,5 | 69,5 |
| 2. | Илсошинг жисмоний тўзалигини шаклантириш | 12 | 17,5 |
| 3. | Демократик тамоилиларни карор топтириш | 13,5 | 28,5 |
| 4. | Адолат туйғусини тарбиялаш | 41,5 | 31,5 |
| 5. | Ишбашармонликийни ривожлантириш | 40,5 | 43,5 |
| 6. | Хурфикситикни ривожлантириш | 40,5 | 44,5 |
| 7. | Хукук нормаларини карор топтириш | 21 | 44,5 |
| 8. | Жаҳон цивилизацияси эришган ютукларни ўрганиш | 13 | 24,5 |
| 9. | Илмий-техникавий бойликларни ўзлантириш | 7,5 | 9 |

| | | | |
|-----|--|------|------|
| 10. | Европа маданияти ва санъатини ўрганиш | 28,5 | 28 |
| 11. | Фарб ижтимоий-сиёсий таълимот-ларини ўрганиш | 21,5 | 29,5 |
| 12. | Халқаро алоқаларни, борди-келдии кўллаб-куватлаш | 20,5 | 18 |
| 13. | Инсон хутуклари ва ёркини мустаҳкамлаш | 10,5 | 12 |
| 14. | Ўз фикримга таянман | 10,5 | 26,5 |
| 15. | Уруш, боскинчиллик, терроризмга карши кураш | 17,5 | 19 |

Навбатдаги ўриши талабалар ишбилиармонлик (40,5 % ва 43,5%) ва хурфикрлиликка (40,5 % ва 44,5 %) азратишади. Тўртинчи курс ташабалари эса халқаро хукуқ норматарини карор тоғтириш ҳам лозим (44,5 %) деб кўрсатишида.

Бугун талабаларда Европа, Фарб маданияти, санъати, турмуш тарзи, ижтимоий-сиёсий таълимотига қизиқини катта. Жавоблардан маълум бўладиши, респондентларини 28,5% ва 28 % Фарб маданияти ва санъатини, 21,5% ва 29,5% Фарб ижтимоий-сиёсий таълимотларини ўрганишни, 20,5% ва 18% халқаро алоқаларни, борди-келдии йўлга кўйиш зарур деб хисоблайди.

Респондентларнинг демократия ҳакидаги фикрлари эътиборга воиник. Биринчи курс талабалари(13,5%) ётплада демократик таъминаларни карор тоғтириш керак деган фикрни билдирга, бу кўрсаткич тўртингич курсдаги талабаларда 28,5 % га кўтарилади. Буни ижобий хол деб қараш зарур. Талабаларнинг ижтимоий онги ва хаёт тажрибаси ошган сайин уларда демократияни ҳаётгай максад сифатида қарати шартлана боради. Демократияни химоя килмасдин, уни англамасдан туриб умумиссоний қадрияларни этгалиш, мънавияти бой инсон бўлиб этишини кийинолигини ётплади яхши биладилар.

Бугун жаҳон ахлини кенгайниб бораётган халқаро терроризм безовта килемовда. Ушбу оғатдан ҳалос бўймай

умумицсоний ҳаётни ва тараққиётни таъминлапт қийиц өсанини талабалар яхши англайдилар. Шуиш учун ҳам улар(17,4% да19%) уруш, босқынчилик ва терроризмга қарши кураш олиб боринп орқалигина цивилизацияни, инсониятни, умуминсоний бойликларни сақлауб қолни мумкин деган фикрни билдирадилар.

Талабаларда инсоннинг жисмоний гўзаллигини шакллантирип 12% ва 17,4 % ни эгаллайди. Бизнинг фикримизча, бу юкори кўрсаткич эмас. Эхтимол, талабалар миллий қадриятлар шуктаи назаридан, ички гўзалликни муҳим хисоблашган бўлишлари мумкин.

Респондентлар ўргасида инсон ҳукуктари ва эркин ҳакида бирбиридан кескин фарқ қилувчи фикрларга дуч келамиз. Биринчи курс талабашарининг 10,5 % ёшшарда инсон ҳукуктари ва эркини мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар ўтказиб боринп лозим деб кўрсатса, тўртинчи курс талабаларида эса ушбу кўрсаткич 26,5% ташкил этади. Юқори курс талабалари жавобида инсон ҳукуктари ва эркини янада мустаҳкамлап зарур, деган фикр мавжудлигини сезмаслик мумкин эмас.

Жавоблар ичида энг охирги ўринни "илмий-техникавий бойликларни ўзлаштириш" жалоби оғалшаган. Улар ўз маънавиятини шиодализация, маданият, илм-фан кутукларисиз тасаввур китмайдилар, аммо, шу билан бирга, ушбу қадриятларни ўзлаштиришни матдум бир қийинчиликларни, тўсикларни сенгип орқалигина амалга ошишини ҳам яхши созадилар. Юқори курсга ўттаги сайнш уларда ўз кутига, билимiga, изланишларига ишонч ошиб боради. Масадан, биринчи курс талабашарининг 13% жадон цивилизацияси зириштан ютукларини ўрганиш зарур деб хисобласа, 4-курс талабаларида ушбу жавоб 24,5% га чиқади. Бу кўрсатадики, талабалар ҳаётни тажрибаси олган сайнин кўпроқ нарсани билни, ўрганиш, ўзлантирип зарурлигини

пайкайдилар ва бу борада фаоллик кўрсатишга интиладилар. Айлан утубу фаолликни биз талабашарининг "ҳаёт субъекти"га айлантирувчи омил деб биламиз.

Биринчи боб бўйича хуоса

Олий тъълим тизимида ҳар томондама стук кадрлар тайёрлангга давлат сиёсати дарижасида ҳаралаштган айни пайтда, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги миллӣ маданиятимизни рагамни технологиялар орқали самара дорзигини опирип утун бўлажак мутахассисларда миллӣ қадриялар тизимини ривожлантирип талаб этилади.

Миллӣ қадриялар Ўзбекистонда демократик жамият куришида ахтокий, маънавий ва маданий ривожланнишининг акралмас юсами ҳисобланади. Давлат дастурининг етакчи йўналишларига кўра, замонавий ёшлиарнинг маънавий юйфасини шакллантиришинг асосий тамоилилари бу миллӣ ўзликни англап, Ватанга садоқат, ватанпарварликни тарбиядаш, миший-қадриялар, анъана ва интеллектуал меросга хурматни шакллантиришдир.

Миллӣ қадриялар бу тарихий, маданий, дунёвий, ижтимоий-иқтисадий, географик ва демографик белгилар хос бўлган мамлакатнинг моддий ва маънавий қадриялар мажмуси бўлиб, майгум бир миллат ва этноста қарашли ижтимоий ҳамда инсон кулки асосини ташкил этади.

Миллӣ қадриялар тарқиби замонавий миллӣ тарбиявий идеал ва қадриялар тизимидан иборат.

Замонавий миллӣ тарбияда идеал инсон – юкори маънавиятли, ижодкор Ўзбекистон фукароси бўлиб, у Ватани тақдирини ўзиники сифатида кабул қиласди, ушиғ маънавий ва маданий анъаналарга асосланган келажаги ва бутуни учун масъулнинг хис киради.

Ўз ҳаётида Ўзбекистон фукароси асосий миллӣ қадрияларга таянди, буларга – ахлоқий, онлавий, ижтимоий-тарихий, диний аввалоддан шуюнда ўтиб келаётган ва давлатни замонавий шароитда ривожланнишини таъминлаётган ўзбек халқи аньшалари киради.

Аксиологик карашларни ҳайтга татбик этилтип даври бўлажак касбга тайёрларлик билан узвий ималга ошиади. Бўлажак

мутахассисларнинг миллый қадриятлари пафаят катта авлод – отаопа, тарбияти, ўқитувчи таъсири, балки ижтимоий мухит омилларининг, яъни оила, таълим муассасаси, тенгдопилар ва дўстларнинг ҳар томонлама таъсири остида кечади.

Миллый қадриялар жамият маданияти ва ривожланиб келаштган шахснинг ижтимоийлашув жараёни билан чамбарчас боғлиқ. Инсоннинг жамият аъзоси сифатида ривожланиш жараёни унинг атроф-мухит билаш бевосита алокаси ва ижтимоийлаптув омилларини хисобга олинни тақозо этди.

Ижтимоийлашув омилларини етакти асос сифатида қараш миллый қадриятлар тизимини ривожлантириш шарт-шароитлари ва механизмларини белгилаб олишга хизмат килади. Бу орқали шахснинг хулқида вокеликка аксиологик муносабат таркиб топади ва фикр ималий ҳаракатларга айланади, натижада шахсий ва касбий ижтимоийлаптув учун замин яратади.

Тадқиқотда ижтимоий-педагогик омилларнинг ахамиятини аниқлап жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази “Ижтимоий фикр” ижтимоий тадқиқотларига суннага холда амалга оширилди. Ушбу ўрганишларга кўра, асосий омиллар сифатида биринчи ўринда оила (85,9 фоиз), мулокотнинг ижтимоий мухити (40,8 фоиз), маҳшала (38,8 фоиз), таълим муассасаси (33,5 фоиз), ОАВ ва интэрнет (32,7 фоиз) ва дўстлар (27 фоиз) ташкил этишин ҳакида и куносага кепинди.

Ижтимоий-педагогик омилларнинг ахамиятини аниқлап жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази “Ижтимоий фикр” ижтимоий тадқиқотларига суннага холда амалга оширилди. Ушбу ўрганишларга кўра, асосий омиллар сифатида биринчи ўринда оила (85,9 фоиз), мулокотнинг ижтимоий мухити (40,8 фоиз), маҳшала (38,8 фоиз), таълим муассасаси (33,5 фоиз), ОАВ ва интэрнет (32,7 фоиз) ва дўстлар (27 фоиз) ташкил этишин ҳакида и куносага кепинди.

II БОБ. БЎЛАЖАК ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ- ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

2.1-§. Педагогик-психологик фашларнинг бўлажак мутахассистарда миллий қадриятлар тизимини ривожлантириш имкониятларни

Замонавий жамиятда қадриятлар тизимини қайта англаш содир бўлмоқда. Шу билан боғлиқликда асосий аксиологик категория сифатида қадриятлар таснифи ҳакидаги масала кўндалаш кўйилмоқда. Ушбу масала аксиологиянинг муаммоли саволларидан бирини ўзида ак эттиради. Ана шу сабабли шакллантирувчи тажриба-синов ишлари босқичида мазкур муаммони ҳал этиша доир асосий ёндашувлар таҳлилига ҳам тътибор каратилди.

